



O'ZBEKISTON  
FANLAR AKADEMİYASI  
TARIX INSTITUTI



"MA'RIFAT"  
YANGI HODISHLAH JAMİYATI

AUEZOV  
UNIVERSITY  
1943

ОШ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSİYALAR VAZIRLIGI  
FARG'ONA POLITEXNIKA INSTITUTI**

**«JADIDLARNING ILMIY-PEDAGOGIK MEROsi: TARIX VA  
ZAMONAVIYLIK» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani  
materiallari  
(II - to'plam)**



*Farg'ona shahri  
29-30 mart 2024-yil*

**“Jadidlarning ilmiy-pedagogik merosi: tarix va zamonaviylik”** mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari to‘plami. (2024-yil 29-30 mart). O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024 yil 18 yanvar kungi 16-son buyrug‘i ijrosini ta’minalash maqsadida 2024-yil 29-30-mart kunlari Farg‘ona politexnika institutida “Jadidlarning ilmiy-pedagogik merosi: tarix va zamonaviylik” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman bo‘lib o‘tadi.

Ushbu to‘plamda xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari o‘rin olgan. To‘plamda oliy va o‘rta ta’lim muassasalari, ilmiy tekshirish institutlari, Jadidlarning ilmiy-pedagogik merosini o‘rganishga bag‘ishlangan ilmiy izlanish natijalari keltirilgan.

**Anjuman tashkiliy qo‘mitasi:**

Salomov O‘.R. FarPI rektori, t.f.d., professor

Dehqonov Sh.M. FarPI YOBI, MMMB Birinchi prorektor, i.f.b.f.d.

Kambarov J.X., FarPI o‘quv ishlari bo‘yicha prorektori, t.f.d.

Jaxongirov I.J. FarPI o‘quv ishlari bo‘yicha prorektori, i.f.d.

Toxirov M.Q. FarPI fakultet dekani, t.f.b.f.d.

Radjabov Q.K. – O‘zFA Tarix instituti professori, t.f.d.

Sulaymonov M. Farg‘ona O‘zbekiston ;

Ergashev Sirojiddin Fayazovich, Farg‘ona, O‘zbekiston ;

Alimova Nargiza, Farg‘ona, O‘zbekiston;

Qozoqov Tohirjon, Namangan, O‘zbekiston;

Kamilov A. A. FarPI kafedra mudiri t.f.n.

Tuxtarov I. M. FarPI kafedra dotsenti f.f.n.

Yusupov A. A. - FarPI kafedra dotsenti v.v.b., t.f.b.f.d.

Xonqulov Sh.X. - FarPI kafedra dotsenti v.v.b., t.f.b.f.d.

**Taqribchilar:** Alimova N. FarDU, kafedrasi mudiri, Shaxodjayev M. FarPI dotsenti.

**Mas‘ul muxarrirlar:** A.Kamilov, Sh.Xonqulov.

Mazkur to‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuniga hamda tanqidiy fikr-mulohazalarga mualliflarning o‘zlari shaxsan mas‘uldirlar.

ahvoldan tezroq ozod bo‘lishini istagan. Toshkentda bo‘lib o‘tgan quriltoyda nutq so‘zlab, millatni o‘zaro ixtiloflardan voz kechishga, buyuk maqsad yo‘lida birlashishga, ittifoq bo‘lishga chaqirdi[4.245. ]Mutaffakir millatni savodxon qilishni uning ozodligi, mustaqilligi, erkinligi g‘oyasi bilan bog‘laydi. Biz madaniyat va iqtisod sohalarida boshqa millatlarga qaram bo‘lishni istamasak, biz milliy sudbalar, advokatlar, o‘qituvchilar, davlat arboblari, injiner, savodli tijoratchilarni tayyorlashimiz zarur. Ular savdo idoralari va banklar bizga yordam berishlari, bizni manfaatlarimiz, dinimizni himoyachilari bo‘lmoqlari zarur, deb yozgan edi Behbudiy.Shunday ekan, siz hurmatli vatandoshlar o‘z farzandlaringizni din va millatga xizmat qilmoqlari uchun zamonaviy bilimga o‘rgatishga harakat qilishingiz zarur, millat va dinga faqat bilim va mablag‘ bilan hizmat qilishi mumkin[5,7].

Milliy mustaqillik va erkin hayotga erishishda jadidchilar umrilarining oxirgi daqiqalarigacha o‘zbek xalqining ma’naviy va siyosiy ozodligi uchun otashin kurashchi bo‘lib qoldilar.Jadidlar milliy ozodlikka erishishning asosiy vositasi deb, maorifni hisobladilar. Jadidchilik muayyan ijtimoiy-falsafiy oqim, uning o‘ziga xos bo‘lgan dunyoqarash tizimi, pritsiplari mavjud. Ularni bir butun holda ta’lim-tarbiya tizimi deb atash mumkin. Ana shu ta’lim tarbiya tizimi yosh avlodni savodxon qilish, ilm-fanni o‘rganish, rivojlanib borayotgan zamon bilan birga bo‘lish kabi yo‘nalishlari bilan baholangan.

#### **Фойдаланилга адабиётлар.**

1. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Ikkinci jild.-T. : O‘zbekiston milliy entsiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti,2006.
2. Tohir Qahhor. Hur Turkiston uchun.-T.: Cho‘lpon, 1994.
3. O‘zbekistonda ijtimoiy- falsafiy fikrlar tarixidan.-T.: O‘zbekiston, 1995
4. “Oyna”, 1913 yil,1-son
5. “Oyna”, 1913 yil, 7-son

## **АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЧЎЛПОН-“БУХОРО АХБОРИ” МУҲАРРИРИ ВА ТЕАТР ТАНҚИДЧИСИ**

***Рахмонов Камол Жамолович, Бухоро давлат университети  
Жаҳон тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.***

**Аннотация:** мазкур мақолада шоир ҳамда драматург Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг муҳаррирлик фаолияти, Бухорода театр санъатига оид фикр-мулоҳазалари таҳлил этилади.

**Калим сўзлар:** эркпарвар, драматург, бош муҳаррир, матбаачилик, маданий-оқартурв шилари, концерт, татар ва бошқирд, опера, Шарқ чолғу (мусиқа) мактаби, амир саройи қўшиқчиси

**Аннотация:** в данной статье анализируется редакторская деятельность поэта и драматурга Абдулхамида Сулеймана Чулпана и его взгляды и размышления на театральное искусство в Бухаре.

**Ключевые слова:** свободолюбивый, драматург, главный редактор, издательское дело, культурно-просветительские работы, концерт, татарский и башкирский, опера, школа восточных инструментов, придворный певец эмира

**Annotation:** this article analyzes the editorial activity of poet and playwright Abdul Hamid Suleiman Chulpan and his views and reflections on theatrical art in Bukhara.

**Keywords:** freedom-loving, playwright, editor-in-chief, publishing, cultural and educational work, concert, Tatar and Bashkir, opera, school of oriental instruments, court singer of the emir

Мустақиллик йилларида озодлик ва тенглик курашчиси, эркпарвар ва ватанпарвар адаб Абдулхамид Сулеймон ўғли Чўлпоннинг (1897-1938) ижодий фаолияти кенг тадқиқ қилинди. Улуғ адаб, ношир ва матбаачи, таржимон ва хассос шоир ҳамда драматург бўлган Абдулҳамид Сулеймон ўғлининг ҳаёт йўли, сермазмун ижодий фаолияти Бухоро билан ҳам боғлик. У Бухорода 1921 йилнинг ёзидан 1922 йил баҳорига қадар яшади. Чўлпон Бухоро Халқ Совет Республикасининг ўзбек тилида, ҳафтада 2-3 марта чоп этиладиган бирдан-бир нашри бўлган «Бухоро ахбори» газетасининг 41-сони (1921 йил 30 июнь)дан 67-сони (1922 йил 25 январь)га қадар бош муҳаррирлик қилди. Чўлпон «Бухоро ахбори»да «Халқ», «Ағдарилиш», «Клеопатра уйқуси», «Кел бери», «Мен қочмадим», «Тарихдан...», «Куз», «Ётоқдан», «Қизариш», «Оғриганда», «Барг», «Қўлмак истадинг», «Юрт йўли», «Уч-тўрт юлдуз», «Баландликда» каби шеърларини эълон қилди[1]. Машхур «Халқ» шеъри ҳам Бухорода дунёга келганлигини таъкидлаш алоҳида ўринли бўларди.

Чўлпон нафақат назмда, қолаверса, публицистика соҳасида ҳам мақолалар ва хабарлар билан чиқди. «Бухоро ахбори» газетасида унинг томонидан ёзилган бир қатор мақолаларни аниқлашга муваффақ бўлдик[2]. 1921-1922 йиллар давомида ўзи муҳаррирлик қилган газетада Чўлпоннинг «Матбуот қучлик бир давлатдур», «Ҳукумат қурултойи», «Адабиёт кечаси», «Театр-томуша», «Кичик ҳангома: «Эргашиш», «Байрам қутлуғ бўлсун!», «Сиёсий ҳангома: «Тизгин талаш (Генуя кенгаши мажлиси муносабати билан)», «Ҳукумат нашри»[3] каби мақолалари босилган. Чўлпоннинг юқорида номлари зикр қилинган мақолалари матбаачилик, маданий-маърифий, сиёсий йўналишларда ёзилган. Муаллиф улар остига «А.Сулеймон (Чўлпон)» ёки «Қаландар» тахаллуси тарзида ўз исм-шарифини қайд қилганди[4]. Хуллас, Чўлпоннинг Бухородаги қисқа, лекин сермазмун фаолияти унинг таржимаи ҳолидаги энг муҳим давр бўлиб

қолди. Чўлпоннинг «Театр-тomoша», «Адабиёт кечаси» мақолалари Бухоро Xалқ Республикасидаги маданий-оқартув ишлари ҳақида баҳс юритади. Муаллиф масалага танқидий ёндашади. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон қаламига мансуб 2 та мақоланинг илмий ва публицистик аҳамияти муҳимлигини инобатга олиб, жорий имлога ўгирилди ва илк бор айнан тўлиқ ҳолатда эълон қилинмоқда.

### **Театр-тomoша**

Шанба қуни, декабрнинг учидаги «Етимхон» саҳнасида машҳур бошқирд қўшиқчиси Азиз Алҳамид билан татар чолғувчиси Сайдашевнинг концертларини томоша қилдик. Азиз Алҳамидинг концертларини бир эмас, бир нечанчи мартаба кўрамиз. Шунинг учун сўзнинг тўғриси бу концертнинг бизга кўп совуқ таъсир этганини айтмакка мажбурмиз. Негаким, Азиз ўртоқ бу йил ҳам саҳнага истар-истамас чиққон каби эди. Унинг татар ва бошқирд томошачиларининг кўнгилларида чуқур из қолдиратурғон узун ва чўзилғувчи бошқирд куйлари бу йили ҳам бундандан ортиқ бўлмади. Унинг узун куйларида Шарқ қайғуси, Шарқ тушкунлиги сира йўқ. Аллақандай ёт бир нарса.

Хайр, буларни қолдирайлик.

Бу концертда янги бир «ижод» янги бир усулда кўрилди. Улда эса бошқирд-татар қўшиқчиси Азиз Алҳамид тарафидан эски ўзбак куйларининг бузилғонидир. Бу бобда энг бошда ўқилғон машҳур қошғарча куй нақадар бузук, нақадар ғайритабиий, оврўпалашғон ва қўпол эди! Бошқирдча куй эски ўзбак куи бўлиб, илгари эл орасида кўп тарқалғон бўлсада сўнгги чоғларда йўқ бўлиб кетаёзган эди. Бирдан оралиқда Фарғонанинг машҳур Муҳиддин қориси чиқди. Ва шунинг саҳнага чиқиши билан бу куй яна таралди. Ана ингичкалик, истаган кўнгилларни завқлантириди. Бу куйни биз Алҳамид ўртоқдан эшитгач, яна қўл кўтариб дуо қилдикким, бу бечора куйнинг таралганидан ўлгани яхши экан деб. Бундан сўнг айтилган ва Ҳамза Ҳакимзода ижодидан бўлғон «Ғайратсиз Туркистоним» куи бироз зарап билан ўтди. Энг сўнгидаги айтилган ва Ғулом Зафарийнинг «Эрк болалари» операсидан олинғон машҳур «Ёр-ёр» куи эса қошғарча куйлар қаторига чизилди. Майда тафсилотларға киришмайман, улар жудо куйдур. Ёлғиз шунигина айтаманким, кечадан на татар, на бошқирд, на ўзбак мамнун бўлмади. Бу кечада Алҳамид ўртоқ нақадар руҳсиз кўринган бўлса, рус ва Оврўпа куйлари билан татар куйларини бирга қўшиб, иккаласидан «атала» пиширган Сайдашев ўртоқ яна унданда руҳсиз кўринди.

Бир оғиз сўз учун ўринсиз ерда «кулги» ҳаракатлар ясалғон артистчилердинг қилиқларидан гапирмак ҳам ортиқчадур.

**“Қаландар”. Бухоро ахбори. 58-сон. 1921 йил 8 декабрь.**

### Адабиёт кечаси

Шанба куни, 10 декабря «Етимхон» саҳнасида Шарқ чолғу (музиқа) мактаби тарафидан бир адабиёт кечаси қурилди. Кечанинг ўзида ул мен кишилардан англадимким, томошачиларнинг кўплигиданки, шубҳасиз, яхши сезги берган бу кеча тўғрисида баъзилар: «Бу Бухорода биринчи қатла кўрилатурғон бир кечадур», дедилар. Баъзилар: «Бухорода адабиёт, умуман санъатга қарши қурилган совуқлик билан кураш йўлида биринчи қадам» дедилар. Баъзилар эса, «Бу ҳеч нарса эмас, ёлғиз Шарқ мусиқа мактабининг 3-4 ойлиқ кичкина бир ҳисоботидир», дедилар. Бу ўйларнинг қайси бири тўғридур, мен қўп текшириб ўлтирумайман. Мен кечанинг мақсади тўғрисида сўнгти ўйга қўшилавераман. Зотан, кечанинг руҳи бўлғон улуғ адиб ва шоиrimiz Фитрат рада очилмасдан бурун сўйлаган қисқа сўзида шу фикрни қистириб, аралаштириб кетди. Ҳамда тўғрисида шу эди. Парда очилиши билан биз Шарқ мусиқа мактабининг 30 қадар талабаларини қатор-қатор чизилиб ўлтироғонларини кўрдикким, олдинги қаторда буткул танбур, орқадагиларда эса, ғижжак, рубоб, най аралаш эди. Кичкина-кичгина чолғучилар бир тартиб ва бир йўл билан икки-учта машҳур оғир куйларни чалиб чиқдилар. Нотасиз, ёзувсиз, ёлғиз эс билангина чолғон бу кичкиналарнинг чолғуларида бизга сезиларли янглишлар бўлмади. Туркистоннинг маркази Тошкентдан тортиб йироқ Францияга қадар бузук ва ясама чолғуга тушган машҳур ўзбак куйи («Эшбой») бу кичкиналарнинг чолғуларида буткул бошқа бир таъсир беради. Ҳаракат ва товуш ўйнашлари истарлик бўлмағон хитобага қўп кўз солмаслик иккинчи пардада ўйналғон Фитратнинг шеър ва қўшиқлари билан ёзилғон бир пардали «Ўғизхон» томошаси томошачиларға яхши, ҳатто ортиқ даражада чуқур сезги бағишилади.

Бош ролда (Бобой) Фитрат, Ўғуз ролида яна ўзбакнинг янги адабиёт оламида зўр ҳиссаси бўлғон У. М. ўртоқ эди. Дунёға қўп шодлик билан келиб кетмақда бўлғон бир киши «Ўғуз» томошасидан сўнг менга «Умримда мен бунча йиғламағон эдим», деди. Асарнинг томошачиларға бўлғон таъсирини мен шу ўлчак билан ўлчасам янглишмасам керак. Бобой ролида Фитратнинг секин қимирилаши, қарашлари ва сўз вақтида кўрсатган ҳаяжонлари тўғри ва тузук эди. Ўғузнинг товуши қўп ҳайбатли чиқсада, шу ҳайбатли товушға келишмайтурғон «ҳаракатсизлиги» кишида қизиқ бир «қаршилик» чиқарар эди. Бунда чолғу қўп бузук ва қийин чалинди,

болалар қўшиғи сезиларли равища чала бўлмаса яна яхши эди, демакка журъат қиласман. «Ўғуз»нинг умумий таъсири кўп чукур бўлди, буни қайтариб айтмакка лозим бор.

«Ўғуз»дан сўнг чолғу мактабининг қўшиқ бўлими талабаларидан кичкина-кичкина уч бола энг оғир қўшиқларни айтдилар. Уларнинг икки ёnlарида Бухоронинг энг машҳур қўшиқчиларидан бири ва иккинчиси эса, собиқ амир саройи қўшиқчиларидан муҳтарам Мирбобо танбур чертдилар. Бизнинг қулоқларимиз домло Абдулҳалимдан эшитиб ўрганганд катта ва оғир қўшиқларини кичкина-кичкина болалар оғзидан эшитгач, билсангиз эди, қанча шодландик! Бу кичкиналар товушда устозларига қанча ўхшатсалар, қилиқда ва ҳаракатда улардан сира қолишмас эдилар. Уларда фақат шу бир-икки машҳур хофизда кўрилатурғон қилиқларини қўргач, мен ҳеч ўзимни тўхтата олмас эдим. Сўнгра бир хитобадан сўнг, чолғу мактаби ҳайъат таълимаси тарафидан икки-уч машҳур куй ўйналиб, кечанинг битгани билдирилди. Парда орасида биродар Ҳошим Шойик адабиёт ва санъат тўғрисида илмий ва фаний бир сўз сўйладилар.

Кишилар қўп, хукумат аъзоларининг ҳаммаси деярли ҳозир эдилар.

Шундай кечаларда албатта, уч нарсага дикқат қилинса яхши бўлур эди.

Биринчи, куй ва қўшиқлар ортиқча бўлмасун.

Иккинчи, сахна ва залда электрик ёруғи бўлсун.

Учинчи, жойлар сонли бўлсунда, ортиқча одамларнинг киришига йўл берулмасун.

**“Қаландар”. Бухоро ахбори. 60-сон. 1921 йил 14 декабрь.**

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Сайджон Алиев. Чўлпон назмида Бухоро \\\ Бухоро ҳақиқати. 1997 йил 20 декабрь.
2. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. Монография. -Тошкент, “ABU MATBUOT - KONSALT”, 2012 й. 175 бет
3. Бухоро ахбори. 41-сон, 1921 йил, 30 июнь; 44-сон, 10 июль; 47-сон, 14 август; 58-сон, 8 декабрь; 60-сон, 14 декабрь; 65-сон , 1922 йил 15 январь; 72-сон. 25 февраль.
4. Rahmonov K. BUXORO XALQ SHO'ROLAR JUMHURIYATI: milliy matbuot talqinida besh kitob. BUXORO MATBUOTI FIDOIYLARI (birinchi kitob). Buxoro. 2022 -110 бет

**“САДОИ ТУРКИСТОН” ГАЗЕТАСИ ВА УНДАГИ БИР  
МАҶОЛА ХУСУСИДА**

43.	АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЧЎЛПОН-“БУХОРО АҲБОРИ” МУҲАРРИРИ ВА ТЕАТР ТАНҚИДЧИСИ Раҳмонов Камол Жамолович.	211
44.	“САДОИ ТУРКИСТОН” ГАЗЕТАСИ ВА УНДАГИ БИР МАҶОЛА ХУСУСИДА Раҳмонов М, Мавлонова С.	215
45.	ЖАДИДЛАРНИНГ ДЕМОКРАТИК ҚАРАШЛАРИ ВА ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ Максумов Набижон Ортиқбоевич, Тожибоев Умиджон.	219
46.	ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ Ўринбоеva M.C.	224
47.	TURKISTONDA HARBIY ISH SOHASIDAGI ISLOHOTLARDA JADID TARAQQIY PARVARLARI G'ΟYALARINING AHAMIYATI Mirzajonov G'ayrat Tayirjonovich.	229
48.	XX ASRNING YIGIRMANCHI YILLARIDA TURKISTONDAGI MADANIY JARAYONLAR VA UNDA JADIDLARNING ISHTIROKI XUSUSIDA Isomiddinov Z.R.	237
49.	STAGES OF SOVIET POLITICAL ACTION TOWARDS BELIEVERS Nabiiev Xumoyun.	241
50.	AHMAD ZAKI VALIDIY TO'G'ON – ATOQLI JAMOAT ARBOBI VA TURKIY OLIM Sodiqova Nargiza Nasri qizi.	248
51.	БУХОРО ҲАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАДАНИЙ СИЁСАТИДА ЖАДИДЛАРНИНГ РОЛИ ҲАҚИДА (1920-1923 ЙИЛЛАР) Носиржон Абдухалиқ ўғли Дониёров.	254
52.	TURKISTON MUXTORIYATI FAOLIYATIGA NAZAR Misaboyeva Mohinura Baxtiyorovna.	259

### **III- ШЎЬБА ЖАДИД МАКТАБЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК МЕРОСИ.**

53.	ТАЪЛИМ ВА МАИШИЙ ИСЛОҲОТ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЖАДИД МАТБУОТИДА ЁРИТИЛИШИ Қозоков Тоҳиржон Қодиралиевич, Раҳматов Аббосбек Толибжон ўғли.	266
54.	ЖАДИДЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲАТИ ВА УНДА ТАДБИРКОРЛАР ИШТИРОКИ Тайронов Ё.Р.	271
55.	TURKISTON JADIDLARI OTASI MAHMUDXO'JA BEHBUDIYNING JADIDCHILIK MAKTABLARINING RIVOJIGA QO'SHGAN XISSASI G'affarov Yarash Xolliyevich, Tilabjonova S.Sh	276
56.	ABDULLA AVLONIYNING PEDAGOGIK MEROSI HAMDA JADID MAKTABLARINING FAOLIYATI Rafiqova Dilafruz Qaxxoraliyevna.	279
57.	JADID MAKATALARI VA ULARNING PEDAGOGIK MEROSINI O'ORGANISHDA O'QUV MATERIALLARINI IMITATSION-VARIATIVLIK ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH TEKNOLOGIYALARINI MUSTAQIL TA'LIMDA QO'LLASH Obidov Jamshidbek G'ayratjon o'g'li.	284
58.	МАҶАДИДЛАРНИНГ ЖАДИДЛАР МЕ'РОСИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР Акрамжон Баҳромович Ғуломов, Севара Халикова.	287
59.	ТУРКИСТОНДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УСУЛИ ЖАДИД МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ Бегимқулов Зариф Ахмадович.	296
60.	ОТНОШЕНИЕ ЦАРСКОЙ РОССИИ К ШКОЛАМ ДЖАДИДОВ. Мамасиддиков А.А.	300
61.	JADIDLARNING MARKAZIY OSIYODA ADABIYOT VA SAN'ATGA QO'SHGAN HISSASI Ergashev Ulug'bek Adxamovich.	308
62.	РАЗВИТИЕ ОБРАЗОВАНИЯ И ПРОСВЕЩЕНИЕ, ОСНОВА ДВИЖЕНИЯ ДЖАДИДОВ Елена Пустовая.	313
63.	ABDURAUF FITRAT MA'RIFIY QARASHLARI Abdunosirova Xalima Erdtillaevna.	317